

1999 I-XII, тўғри

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• Дебоча

Ассалому алайкум, газетамизнинг азиз мухлислари!

Мана, 1999 йилнинг ажойиб илк кунларида Сизлар билан яна дийдор кўришиб турибмиз.

Ижодий жамоамизнинг кайфияти яхши, нега десангиз, ўқувчиларимиз давраси янада кенгайди - «Хуқуқ» йил давомида 20 мингдан зиёд хонадонга кириб боради! Шу билан бирга елкамиздаги тоғдек масъулиятни ҳам чуқур англаб турибмиз: газетамизнинг ҳар бир сони Сизларга манзур бўлиши учун тинимсиз изланишимиз ва ишлашимиз керак.

Ижодий режаларимиз кўп. Ўқув-

чиларимиз турли соҳа ва касб эгалари эканлигини назарда тутиб, мавзу ва рухлар доирасини кенгайтиришга қарор қилганмиз. Ва яна эслатиб кўймоқчимизки, бу йил - Аёллар йили экан, муҳтарам Аёлларимизга бағишлаб, йил бўйи мунтазам саҳифалар бериб борамиз ва бу ишда албатта Сизларнинг кўмагингизга таянамиз.

Газетамизнинг ушбу йилдаги 1-сонни одатдагидан бошқачароқ. Яъни саҳифалардаги материалларнинг аксарияти опа-сингилларимиз қаламига мансуб.

Аёллар йили - нафосат, эзгулик, гўзаллик йили бўлиб қолишини рамзий маънода ният қилиб, шундай йўл тутдик.

Аёл қўли тутган қалам учидан тўкилган сатрлар нималар ҳақида сўйлар экан? Аёл қалбини аёлчалик шарҳлаб бера оладиган ким бор? Келинг, яхшиси, биргаликда мутолаа қилиб, уларнинг қалб садоларига қулоқ тутайлик.

Ва ниҳоят, биз мунис ва меҳрибон опа-сингилларимизга ўзимизнинг чексиз ҳурмат-эътиборимизни ушбу шеър билан изҳор этамиз.



Биз 1999 йилни эзгу ниятлар билан Аёллар йили деб эълон қилдик. Бундан муддао - мунис оналаримизнинг, жуфти ҳалолларимизнинг, гўзал ва оқила қизларимизнинг жамиятдаги, оиладаги, меҳнат жамоаларидаги ўрнини янада мустақамлаш, уларнинг қадр-қимматини муносиб даражага кўтаришдан иборатдир.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон халқига янги йил табригидан.

АДОЛАТ БАРҚАРОР БЎЛАДИ

Республика Бош прокурорининг ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашит Қодировнинг «Хуқуқ» мухбири саволларига жавоблари

- Халқимиз 1998 йилги тарих бағрига кузатиб, янги йилни зўр шодийна билан кутиб олди. Бу байрамнинг бўлакча тарафи -

арафа кунлари ҳар биримиз ўзимизга ҳисоб берамиз. «Утаётган йилда нималарга эришдим янги йилда қандай ишларни амалга оширишим керак?» деган сўровга жавоб излаймиз.

Рашит Ҳамидович, оила йилида ислохотлар янги босқичга кўтарилади. Оила тинчлиги, ўзаро тоқувлиқни сақлаб қолиш борасида давлат ва жамоат идоралари, шунингдек келг жамоатчилик фаол ҳамкорликда бўлиши. Айтилинг-чи, оила ҳуқуқини таъминлаш йўлида олиб борилган ишлардан кўнглингиз тўломи?

Чиндан ҳам, биз бу байрамни ўзгача масъулият билан кутиб оломиз. Галвирни сувдан кўтарганда мулзам бўлиб қолишдан ҳадиксираймиз. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан учрашувда йил аяунларини таҳлил қилиб бердилар. Оила йилида эришган муваффақият-

лар, йўл қўйилган камчиликлар ва улардан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталдилар.

Ўтган йилнинг энг характерли томони оилага катта ғамхўрлик кўрсатилганида бўлди. Асосий қонунимизда «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб белгиланган. Оила - ҳаётнинг абдийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шунингдек ёш авлод камолига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Шарҳда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Зеро, оилани соғлом ва мустаҳкам бўлиши жамият тараққийнинг кафолатидир.

Республикамизда оила, ёш авлод тарбиясига давлат миқёсида ғамхўрлик кўрсатиш янгилик ёки ўтган йили бошланган тадбир эмас. Бизнинг бу борада муайян тажрибамиз, анъоналаримиз мавжуд. Ҳуқуматимиз кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ғамхўрлик кўрсатишни мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаган. Ўтган йиллар мобайнида «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу борада махсус миллий дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга фаол жорий этила бошланди. «Соғлом авлод учун», «Умид», «Камолот»

(Давоми 2-бетда).

Ўзбегимнинг аёлидай аёл йўқ

Сўзлай десам, сўз топилмас таърифиға,
Гул ўрасам арзир исми-шарифиға.

Кулганида нур ёғилар чехрасидан,
Болалари аримайди теграсидан.

Ҳар биттаси ишқ-вафонинг келинчаги,
Ҳовлисида бор худойим беланчаги.

Сўзлаганда бол томади тилларидан,

Асли зоти парийларнинг хилларидан.
Ўзи емай фарзандига тутар борин,
Меҳмонларининг қадамига сочар зарин.

Гўдагини ўрар ширин алласига,
Эзгуликни қўйган кўнгал палласига.

Бир ҳаёлким, ундан гўзал ҳаёл йўқ,
Ўзбегимнинг аёлидай аёл йўқ.

Абдурахмон ЖҰРА.



«ВАТАН бўғимдаги жон каби азиз»
Журналист, шоира Шарифа Салимова билан суҳбат.

«БИЗ ҲАМ ГОЛЛИВУД ЮЛДУЗЛАРИДАН ҚАМ ЭМАСМИЗ»
Халқимизнинг сеvimли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов мухбиримизга ана шу фикр-ни билдирди.

Сазифаларимизда:
ГУНОҲКОРНИНГ ТАВБАСИГА ИШОНАЙЛИК
Ниҳоят ооздлик... Бахтиёр қамоқхона эшигидан чиқиб, ширин энтикди...

Америкада аёллар яқшанбада то кечгача уриниб, ҳафтанинг етти кунига етадиган егуликларни пиширишаркану музлатгичга жойлаб қўйишаркан.
Қарабсизки, ҳафта бўйи иссиқ таом тайёрлашнинг ташвишини қилишмайди.

Дам олиш саҳифаси
КРОССВОРД
Хайратли олам
Бир чимдим кулеу

• Шеърят ва ҳуқуқ

«ВАТАН»

БЎҒЗИМДАГИ ЖОН КАБИ АЗИЗ»

- Шоир - давр овози. Унинг шеъри одамлар йиллар давомида кўнглида олиб юрадиган, дилига тугиб кўйган ниятлари, дардларининг ифодасидир. Бугун халқимиз ҳуқуқий маданиятини ошириш кун тартибига кўйилган. Шеър ва ҳуқуқий саводхонлик масалалари орасида муштараклик мавжудми?

- Инсон қалбининг рангин товланишларини ифода этувчи шеър обираҳмат ёмғирларига ўхшайди. Эътибор берган бўлсангиз тўзонли дунё бундай ёмғирлардан сўнг бирдан яшариб, яшнаб кетади. Юзларини ювиб, янада яшилляшган барглар, гулларнинг миннатдорона хўрсиниклари... табиат ва жамиятнинг ҳар бир заррасида улуг бир эътироф кўзга ташланади. Гул ўз илдизлари ила ерга янада кўпроқ пайванд бўлади, дарактлар кўёш нурларининг ҳароратини кўпроқ ҳис қилади. Барглар ўз тозарилари билан дунёни ҳайратга солади. Худди шу шаклда асрдан асрга улуг СУЗ етиб қелади. Одамдан одамга СУЗ қолади. Биз эса яна шу сўз - шеър зарралари орасида ўзимизни кўпроқ таниб, кашф этиб, инкор этиб яшайверамиз. Шеър гоҳ йиғлатиб, гоҳ ўйлатиб ўз вазифасини бажараверади. Гўзал шеърларни ҳар гал мутлола қилганимизда ҳайратимизнинг кўзлари чарақлаб очилаверади ва ҳиссий идрокимиз, онгимиз, шууримиз юксалиб, тозариб, биз тобора ўзимизни - ҳуқуқимизни таниб бораверамиз.

Оналаримизнинг тунлари бедор-бешикка бошини кўйиб фарзандига айтган бетакрор аллаларининг ўзи ҳам ҳуқуқий онгимизни юксалтириш алифболаридир. Биз бу аллалар орқали она тупроқни таниш, уни севиш ҳуқуқига бурчли бўламиз, қалб изтиробларининг оғриқли мунглари таниймиз. Жафокаш Она олдида бир умр қарздорлик ҳисси билан яшаймиз.

- Бугунги кун шоирини кўпроқ нимага безовта қилади? Вилоят ижодкорларининг қувонч ва ташвишлари...

- Шоирлар ҳамиша ўз даврининг овозлари бўлиб келишган. Бугуннинг шоири елкаларида 130 йилдан зиёд давр мобайнида топталган кадрятларимизни қайтадан тиклаш, миллий гуруримизга -

Шоира, журналист Шарифа САЛИМОВА билан суҳбат

миллийлигимизга тўла қайтиш, она тилимиз қадрини, қаддини кўтариш, муқаддас Истиқлолимизнинг она заминимиз учун нақадар улуг неъмат эканлигини чуқур англайтиш муаммолари турибди. Куш учун унинг эркин-эркин қанот қоқишидан каттароқ бахт йўқ. Истиқдол ҳам бизнинг ана шундай муқаддас бахтимиз. Биз уни ёмғирлардан асраб, меҳримиздан туморлар тақшимиз керак. Ватанин севмаслик гуноҳ эканлигини англайтиш ҳам бугуннинг шоири зиммасидадир. Инсон учун учинчи ҳайрат кўзлари очиладиган вақт келди. Фикрий фалажликдан қутулсак, юрагимизда макон тугган қулни ўлдирсак, виждон ва диёнатни уйғотсак, ҳар бир ишни инсоф мезони ила бажарсак - руҳият иқлимлари покланиб, тозаланиб бораверади. Жамиятда қотиллар, порахўрлар, товламачилар, мунофиқлар, лоқайдлар қолмайди. Шу маънода давр шоирларининг шеърлари жамият нафас олиб турган ҳавога айла-ниши зарурдир. Биз иш олиб бораётган Тошкент вилояти ижодкорлари ҳам ушбу муаммолар ичидадир.

Уларнинг бир-бириникига ўхшамаган асарлари, интилишлари, орзу-армонлари замирида бор бўйи билан юксалиб, она Ўзбекистонимиз турибди.

- Ислоҳотлар жараёнида ижодкорнинг ўрнини қандай тасаввур қиласиз?

- Яқинда жумҳуриятимиз бўйлаб улуг қорақалпоқ шоири Бердақнинг 170 йиллиги тантаналари нишонланди. Нукус шаҳрида бўлиб ўтган бу ажойиб шеърят анжуманида иштирок этиш менга ҳам насиб этди. Ўзбек халқининг севимли шоири Абдулла Орипов Бердақ ҳақида гапирар экан: «Ушбу заминда сира-сира қуримайдиган бир уммон бор - У Бердақдир» деди. Демокриманки, ҳақиқий шоирнинг - ҳақиқий истеъдоднинг ўрни замон ва макон танламайди. У ҳамиша ҳар қандай давр учун бўлиши зарур бўлган муқаррар ҳодисалигича қолаверади. Чунки шеър биринчи навбатда туйғуга таъсир қилади ва қалбни титроққа солади. Қалб жунбушга келдими, билингики, демак ҳаёт дарахти мангу яшилгича қолади.

- Сиз Ватан туйғусини қандай изоҳлайсиз?

- Бир шеъримда: «Ватан, менинг бору-йўғимсан», деб ёзган эдим.

Ватан туйғусини бошқача изоҳлаёлмайман. У менинг бўғзимда турган жон каби азиз.

Тиниқ сарчашмадай мавжланиб ётган
Қалбимга отажак тошингни яшир.
Дунё гавғосин кўй, бўғзингдан тутган
Дунёдай кўксимга бошингни яшир.

Ёлғиз бир ўтинчим - боқма қайғули,
Истасанг суюкли боланг бўлайин.
Истасанг маликанг, истасанг қулинг,
Истасанг, ғамғузор онанг бўлайин.

Истасанг гул бўлай, ё ожиз майса,
Қўлларингни ўпиб, дардинг олайин.
Давр шамоллари қалбингни тилса
Девор бўлиб йўлин тўсиб қолайин.

Бу дунё бағрида қушимиз омонат,
Парр этиб учамиз келганда гали.
Унгача менда йўқ сабру қаноат,
Азиз нигоҳингда қайғу кўргали...

Истасанг гул бўлай, ё ожиз майса...

ЯХШИРОҚ

Бердақ йўлида

Ёт ўлкада адрас-кимхоб кийгандан,
Тоғ армондан ерга кириб юргандан.
Ўзгаларга куллук қилиб юргандан,
Ўз элингда ёвғон ичган яхшироқ.

Булбул эсанг, зоғ тушунмас тилингни,
Дўст-душманга оча кўрма сирингни.
Дардларига ярамасанг элингни,
Шувоқ усган бир биёбон яшироқ.

Дарахт бўлсанг, меваларинг бўлмаса,
Жон-жигаринг хузурингни кўрмаса.
Соясидан эл миннатдор бўлмаса,
Йўлда ётган битта гаврон яхшироқ.

Меҳр қўйиб, суйиб юрсанг дўстингни,
Баҳам кўрсанг бору, ками кўстингни.
Сездирмайин шилиб олса пўстингни,
Ханжар тутган, битта душман яхшироқ.

Ҳаргиз, ҳаргиз ёма миннат нонини,
У сўғуриб олар инсон жонини.
Халқумингда қолган бугдой доңидан,
Кўрангдаги сариқ сомон яхшироқ.

Осмонларга қўл узатсанг, етмаса,
Чала ишинг сира-сира битмаса.
Остонангдан умидсизлик кетмаса,
Изтироблар чексанг пинҳон яхшироқ.

Қай бир дилни яшаб, сероб этмасанг,
Фақирларга бурда нонинг тутмасанг.
Ташна боғга сувлар қуйиб кетмасанг,
Ақли ноқис ёки нодон яхшироқ.

Эй, дил, уйғон, ҳақни англар вақт етди,
Бу манзилга ким ҳушёр, карахт етди.
Аршдан ерга нур қуршаган тахт етди,
Мингта сўздан битта Курьон яхшироқ.



• Моҳият

Буюқ қалб эгасининг қарийб бутун сир-асрори қатъият деган сўздадир. Қатъият мардлик учун гилдиракнинг ўқилек гап: бу таянч нуқтасининг тўхтовсиз янгиланиб туришидир.

В.ГЮГО.

• Ҳайратли олам

Ўрик энг, умрингиз узаяди

Хитойлик шифокорларнинг тасдиқлашларича, ўрик киши соғлиғини мустаҳкамлаб, умрни ҳам узайтирар экан. 100 грамм туршакнинг калорияси 250 грамм янги жигарниқига тенгдир. Қони кам бўлган одам ўрикни дори ўрнида ишлатиши ҳам мумкин.

Кимнинг ишқи нимада?

Шоҳнинг ишқи қурбақага тушибди, деганларидек, финларнинг ишқи қаҳвада. Улар қаҳва истеъмол қилиш бўйича дунёда биринчи ўринда туришар экан. Яъни киши бошига 15 килодан тўғри келади. Булғорлар эса - шакархўр. Инглизлар конфетни севишади. Ўзбеклар ўзимизни чойхўр халқ ҳисоблаб юрсак, ирландлар биздан ҳам қолишмас экан. Америкаликлар эса гўшт истеъмол қилиш бўйича биринчи ўринга даъвогар экан.

Чивин кимни кўпроқ чақади?

Бу саволга Қоҳира дорилфунуни олимлари аниқ жавоб бердилар. Уларнинг фикрича, чивин ҳаммани ҳам чакавермас экан. Чивинлар одамларнинг кийимига қараб «хужум»га ўтар экан. Улар кўпроқ пахта, шойи ва нейлондан кийинган одамларни «ёқтирар» экан.

Ер юзида қанча мушук бор?

Лнон университетининг профессори Жан-Мари Лэгенинг аниқлашича, сайёрамизда 4 юз миллионга яқин уй мушуги яшайди. Улар мамлакатлар бўйича бир текис тарқалишмаган. Масалан: Перу, Габон ёки Гаванада яшовчи аҳоли уйида мушук асрамайди. Бу ерда АҚШ дунёда биринчи ўринда тураркан. У ердаги хонадонларда 55 миллион мушук боқилар экан.

Австралия бўлса «аҳоли жон бошига» мушук сақлашда рекордчи ҳисобланади. У ерда ҳар ўн кишига 9 та мушук тўғри келаркан.


ЁПИРАЙ!

- «Хлопушка» деган бало қайқдан келаяпти ўзи? - савол билан мурожат қилди таҳририятга тошкентлик Нодира исмли аёл. - Болаларнинг қулоғини чўзиб, инсофга келтиролмай юрсак, бу ёқда баъзи капкатта эркаклар ҳам байрам баҳона пақилдоқ пақиллатавериб, нақ ўтакамизни ёрворишди. Энди бунга нима дейсизлар?

• Кроссворд

Бўйига:

1. Республикамизда чиқади-ган хотин-қизлар журна-ли. 2. Христиан динидаги амал-лардан бири. 4. Уловли ҳам-мол. 5. АҚШ баскетбол уюш-маси. 7. Ер шарининг на-линчи меридиани ўтган ша-хар. 8. Ҳиндистонда хоки-миятта узок йиллар эгали-к қилган сулола. 11. Муқимий ғазали билан айтила-диган кўшиқ. 13. Бозорга бе-риладиган баҳолардан би-ри. 14. Хорижий автобус русу-ми. 15. Туркиянинг Марказий Осиё мамлакатларига мўл-жалланган телеканал. 19. Африка давлатларидан би-рининг пойтахти. 20. Чақ-лакнинг ётоғи. 23. Енгис-уст кийим. 25. Африкадаги туб аҳоли. 26. Ҳаё. 27. Мазъурий орган. 28. Қишнинг зийнати.



Энига:

3. Қуёш тизимидаги планета. 6. Таиланд пойтахти. 9. Америкадаги давлат. 10. Дунёдаги энг кичкина мамлакат. 12. Қўшиқ ижроси. 15. Момо Ҳавонинг насронийча аталиши. 16. Инсониятнинг табақаланиши сабабларидан бири. 17. Тропик мева. 18. Панд-насихатли шеър. 22. Кавказда яшовчи халқ. 24. Қашқадарё вилоятидаги туман. 27. Нохуш, бадбўй ҳид. 29. Славян миллатларидан бири. 30. Кон ишчиси. 31. Ўлка. 32. Ҳашорат.

Тузувчи: Ш.ЙУЛДОШЕВ.

Газетанинг 1998 йил, 28 октябр сонидан берилган бошқотирманинг жавоблари:

Энига: 3. Иштихон. 7. Итузум. 8. Золим. 9. Илтижо. 12. Фоҳиша. 13. Она. 16. «Фантомас». 17. Руанда. 22. Нота. 25. «Уфк». 26. Йог. 27. Иод. 28. Икар. 29. Ишқ. 31. Ошно. 32. Гран. 33. Тигра. **Бўйига:** 1. Эталон. 2. Из. 3. Имзо. 4. Тилло. 5. Хум. 6. Нон. 10. Ип. 11. Ишоат. 12. Фанта. 13. Осмон. 14. Август. 15. Ифр. 18. Урганч. 19. «Найк». 20. «Ауди». 21. Ақиқ. 23. Оскар. 24. Айрон. 30. Шер.



Эх, қандай мазза!..

• Луқма

Эрталаб соат 8.30 лар чама-си. Ишга бориш учун автобус бекатига чиқдим. «Самарканд дарвоза» автобус бекатида одам кўп. Кимдир ишга, кимдир бозорга, ишқилиб, ҳамма манзилга етиб олиш учун автобус кутарди. Бир пайт «метро Пахтакор - Сил олийгоҳи» йўналиши бўйиша катнойдиган 36 рақамли автобус келиб бекатда тўхтади. Ҳамма «дув» этиб автобус эшиги томон йўналди. Автобус жойидан жилди. Тиқилинч, ҳамма тик оёқда. Чамаси 60-70 ёшни қоралаган бир кампир автобус олдинги эшиги олдида турар эди. Бир киши, шофёр олдидаги ўтир-ничада ўтириб кетаётган 12-13 ёшдаги болага:

- Туриб холангга жой бермайсанми? - деди.

- Ия, бу ер пул терувчининг жойи-ку! Нимага турар экан-

«Кисса»гами кассага?..

ман?!
Ана сизга ҳурмат-иззат. Келажак ёшларники, деймизу бу холини кўриб ўйлаиб қоламиз. Пойтахтимизнинг кўчалари ҳаммаша серкатнов. Автобус, трамвай, троллейбуслар сизни манзилингизга етказиш учун бекатда шай туришади. Автобусга чиқшингиз билан кондуктор «запроезд» ёки «йўл ҳақини тўламаганлар чипта олинлар» деб чипта тарқатиб чиқади. Хўп яхши. Аммо айримларига чиқиб қолсангизчи, тушаётганингизда ҳеч қанақа ҳужжатсиз айрим шахсларнинг «йўл ҳақини унут-манг» деб рўбарў бўлганини кўрасиз. Сиздан «15» сўм ёки «экспресс» деб ёзилган бўлса «20» сўмини санаб олади-ю, лекин ҳеч қанақа чипта бермай-

ди. Ёки бўлмаса шофёрларнинг ўзи йўл ҳақини териб олишади. Бунга жуда кўплаб йўналишдаги: юкорида тилга олинган 36-автобусни яна 43, 34, 97, 28-автобуслар, 4, 20-троллейбусларни ва бошқа автобус, трамвай, троллейбусларни мисол қилишимиз мумкин. Хўш, бу кишиларга лавозими ҳақида ҳужжат бериладими ёки йўқми? Териб олинган пуллар қандай қилиб ҳисоб-китоб қилинади? У пуллар «кассага» топширилладими ёки «киссага»? Оз мунча йўловчи бўладими, ахир. Бу ҳақда «Тошшаҳарйўловчи-транс» ходимлари ҳеч ўйлаб кўришдимикин-а?

Бобомурод РАЙИМОВ.
журналист.

• Бир чимдим кулгу

Икки кўр кўчада борарди. Тўсатдан бири иккинчисининг оёғи-ни босиб олди. Шунда шерғи деди:

- Кўчадан ўтган аёлларга алан-ламай, кўзинга қараб юрсанг бўл-майдимми?

Котиба ишга кечикиб қолибди. Директор кўнгил сўрапти:

- Хоним, тинчликми? Нега кечикдингиз? Бунинг устига хомуш-роқ кўринасиз?

- Бир ярамас такасалтанга йўлиқиб қолсам бўладими? Орқам-дан тушди. Ишга шошётганимга қарамай, атайлаб секин юрди-я!

Рельс устида ётган одамдан сўрашпти:

- Нима қилиб ётибсиз?

- Ўлмоқчиман.

- Унда ёнингиздаги нонни нима қиласиз?

- Поезд кечикса, ейман.

Кинодан қайтаётиб, хотин эри-дан сўради:

- Ростини айтинг, фильмда кўринган қизлар ичида мендан чиroyлиси борми?

- Йўқ, йўқ, гўзалим! Бу фильм экан-ку, бутун жаҳонда сенга тенг келадигани йўқ.

Хотин жуда ийиб кетипти:

- О-о, қанчалик яхшисиз! Қанчалик вафодорсиз! Қанчалик суюмликсиз...

- ... ва қанчалик кўрқоқман! - деб қўшиб қўйибди эр.

Ўғли етмиш яшар отасининг ўтин ёраётганини анча вақт томоша қилиб тургач, деди:

- Жуда ҳам сизга ачиниб кетдим, дадажон. Жуда чарчадингиз, ҳамма ёнингиздан тер қуйилляпти. Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, сочқини олиб артиниб олардим...

1999 йил — Аёллар йили



Чиройли куласиз, чиройли,
Чиройсиз - бир дунё чиройим.
Кўзимга термулманг кўзимга,
Улдириб қўясиз дил роийм.

Чиройли куласиз, чиройли,
Чарақлаб кетади чеҳрангиз.
Чиройли-кулинг сиз, чиройли,
Мен сизни севаман билсангиз.

Жамшид ҲАҚБЕРДИЕВ.



D	S	CH	P	J	SH	YA
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

D	S	CH	P	J	SH	YA
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28

D	S	CH	P	J	SH	YA
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

D	S	CH	P	J	SH	YA
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

D	S	CH	P	J	SH	YA
				1	2	
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

D	S	CH	P	J	SH	YA
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

D	S	CH	P	J	SH	YA
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

D	S	CH	P	J	SH	YA
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

D	S	CH	P	J	SH	YA
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

D	S	CH	P	J	SH	YA
			1	2	3	
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

D	S	CH	P	J	SH	YA
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

D	S	CH	P	J	SH	YA
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

«Хуқуқ» доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Хуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Ўзбекистон Республикаси
Прокуратурасининг ҳафталик
газетаси

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва
Тошкент вилояти прокуратура-
лари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
№ 00150 рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗОҚОВ

Таҳрир хайъати: Асрор Аҳмадҷонов, Дилшод
Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Орипжон
Ҳолматов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин
Мамадалиев.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқлани-
ши мумкин. Қўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинганлиги
қўрсатилиши шарт.

Манзил:

Тошкент шаҳри,
академик Яқоб Ғуломов
кўчаси, 66-уй.

Телефонлар:
77-72-25,
133-82-34,
133-63-88.

Навбатчи:
Б.Улибобоев

Газета таҳририят компьютер мар-
казида PENTIUM - II mmx компьюте-
рида саҳифаланди.

«Шарқ» НМҚда босилди. Манзил:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41.
Нусхаси - 20433. Буюртма Г-0000.
«Хуқуқ» андозаси. Қогоз бичими А-
0.

Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмаҳонага топширилди: 19.00